

Халқ сўзи



Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 5 июнь, № 115 (7345)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ер ва сув ресурсларидан оқилона ҳамда унумли фойдаланилсагина юқори ҳосилдорлик ва барака бўлади. Лекин сўнгги 30 йил давомида ирригация тармоқлариға эътибор берилмагани ва ерга хўжасилдорча муносабатда бўлиш оқибатида 450 минг гектар суғориладиган майдонлар яроқсиз ҳолға келиб қолди.

Айни пайтда мамлакатимизда ўзлаштириш имкони бўлган 1 миллион гектардан ортиқ майдон мавжуд. Ушбу ерларни ирригация ишларини бажариш ва сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш, кам сув талаб қиладиган экинлар экиш ҳисобига ўзлаштириш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда ушбу майдонларни қайта ўзлаштириш бўйича самарали тизимни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Халқаро тажрибаға таяниб, фойдаланишдан чиққан ерларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзлаштириш тартибини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Бунда инвесторлар ўзлаштирилган ерларда экинларни мустақил жойлаштириш, ер майдонларини иккиламчи ижараға бериш ва зарур инфраструктура объектларини қуриш ҳуқуқиға эға бўлишлари лозимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Жаҳон банкининг фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни битта туманда намуна сифатида давлат-хусусий шериклик асосида ўзлаштиришға қаратилган таклифини маъқуллаб, тегишли вазирликлар раҳбарлариға мазкур лойиҳани амалға ошириш ўзасидан кўрсатмалар берди.

Ирригация тармоқларини ҳам давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш механизмини жорий қилиш бўйича таклифлар билдирилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Давергео-дезадастр” кўмитасиға 2019 — 2021 йилларда

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Дунёдаги жамики мусулмон уммати учун мўътабар ва қадрли бўлган шу саодатли, улуғ айёмда сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Муқаддас динимизнинг эзгулик ва инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби буюк фазилатлари янада ёрқин намоён бўладиган ушбу шуқуҳли дамларда барчамиз, аввало, Аллоҳ таолоға оиламиз, элу юртимиз билан биргаликда бугунги кутлуғ ва барокатли кунларға етказгани учун бехисоб шукроналар айтамин.

Рамазон ойининг файзу тароватидан баҳраманд бўлиб, жамияти-мизда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, муҳтарам нурунийлар, аёллар ва болаларға меҳр ва эътибор кўрсатиш, эҳтиёжманд инсонларға беғараз ёрдам бериш сингари савобли ишларни амалға оширишға интиламиз.

Бундай олижаноб мақсад ва ҳаракатлар мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаториға олиб чиқиш, халқимизни ҳаётдан рози қилишға қаратилган ислохотларимизнинг маъно-мазмуниға ҳар томонлама уйғун ва ҳамоханг экани, айниқса, эътиборлидир.

Шу маънода, неча юз йиллик тарих ва маданиятимиз, миллий ўзлигимизнинг ажралмас қисмиға айланиб кетган муқаддас динимизни асраш, аждоқларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини ўрғаниш ва тарғиб этиш биз учун ўта долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Кейинги вақтда мамлакатимизда шу

йўналишда катта ишлар амалға оширилаётгани, табарруқ қадамжолар обод қилиниб, янги-янги илмий, маданий ва диний марказлар, таълим масканлари ташкил этилаётгани барчангизға яхши маълум.

Бу йил муборак Рамазон кунларида Термиз шаҳрида Ҳаким Термизий, Тошкент шаҳрида Сузуқ ота ва Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф каби улуғ уламо-ларимизнинг номлари билан аталган диний мажмуалар, жоме масжидлари фойдаланишға топширилгани, жойларда беш ташаббус ва бошқа ижтимоий-маънавий дастурларимиз доирасида эл-юртимиз, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар учун қулай меҳнат ва турмуш шароитлари яратилаётгани бу йўлдаги янги қадамлар бўлди.

Ўзбекистоннинг **“Жаҳолатға қарши — маърифат”** деган таълим асосида жаҳон мексидида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, виждон эркинлиги ва динларро баррикенгликни таъминлаш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини халқимиз ва дунё аҳлиға етказиш борасидаги ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Шу улуғ айём кунларида узоқ ва яқин давлатларда яшайтган мўмин-мусулмон биродарларимизни, барча дўст ва ҳамкорларимизни самимий кутлаб, уларнинг халқлари ва мамлакатлариға тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Қадрли юртдошлар! Гўзал дёйримизда муборак Рамазон шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда байрам кайфияти барча

шаҳар ва қишлоқларимизға кириб бориши, бу айёмни янада мазмунли ўтказиш учун шароит яратиш мақсадида 5-6 июнь мамлакатимизда дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

Буюк бобомиз Имом Бухорий ҳазратларидан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилганидек, **“Чинакам мусулмон ўзига раво кўрган барча яхшиликларни бошқа инсонларға ҳам раво кўради”**.

Дарҳақиқат, ҳаётда эзгу ва савоб амалларни бажариб, оиласи, фарзандлари, эл-юртининг бахту саодатини ўйлаб, ҳалол меҳнат қилиб яшаш мусулмон аҳли учун имон-эътиқоднинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ишончим комил, дину диёнатимиз ва замон руҳини қалбимизға чуқур сингдириб, бугунги ҳаётнинг ўткир талаби бўлган илм-фан, инновация ва тараққиёт ютуқлари билан қуролланиб, Ватанимиз равнақи йўлида астойдил хизмат қилсак, ўз олдимизға қўйган юксак марраларға албатта етамиз.

Сиз, азиз ватандошларимни муқаддас Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин юракдан кутлаб, барчангизға сихат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизға файзу барака тилайман.

Нияти пок, мақсадлари улуғ халқимизнинг шу табарруқ кунларда қилаётган барча ибодатлари, эзгу дуолари ижобат бўлсин!

Муқаддас айём — Рамазон ҳайити барчамизға муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «МЭИ» МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ» ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг энергетика тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалға ошириш юзасидан амалий тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”)ни ижро этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Энергетика вазирлиги хузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — Университет) Тошкент шаҳрида **“МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалини** (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифға розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолияти-

нинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимиз энергетика тармоғи учун таълим дастурлари ва олий таълим сифатиға қўйиладиган халқаро талабларға мувофиқ юқори малакали муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш; замонавий таълим дастурлари ва ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув жараёниға илгор педагогик ва ахборот технологияларини, илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, ўқув-педагогик салоҳиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

энергетика, электротехника, иссиқлик техникаси соҳасида фундаментал, амалий илмий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, электр жиҳозлари ва тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, электр энергетикаси тизимларининг тежамкорлиги, ишончлилиги ва барқарорлигини оширишға йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалға ошириш;

илм-фан ва таълим сифатини, узлуksизлиги ва узвийлигини ошириш, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятиға мақсадли интеграциялашув орқали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим, илмий-тадқиқот ва са-

ноат ишлаб чиқариш фаолиятининг узвий интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

шартнома асосида энергетика тармоғи ташкилотларининг эҳтиёжларини ҳисобға олган ва келишилган ҳолда талаб юқори бўлган бакалаврият таълими йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки: Филиал Университетнинг алоҳида таркибий бўлимининг асосий йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалға оширади;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Президентлар кутлуғ Рамазон ҳайити муносабати билан бир-бирларини ва қардош халқларимизни қизгин муборакбод этиб, эзгу тилакларини изҳор қилдилар.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ўзаро ишонч ва стратегик шериклик руҳидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик йўналишларида жадал ривожланиб бораётганини алоҳида эътироф этдилар.

Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида ўзаро савдо айланмаси ҳажми 30 фоиз ўсгани, қўшма корхоналар сони охириги бир ярим йил давомида 2 баробар кўпайгани мамнуният билан таъкидланди.

Бундан ташқари, бир қатор етакчи турк компаниялари билан ишлаб чиқариш ва инфратузилмага оид

йирик лойиҳалар бўйича биргаликда фаол иш олиб борилмоқда. Маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида қўшма дастурлар амалға оширилмоқда.

Сўхбат чоғида Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик кенгашининг илк йиғилишиға пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Шу мақсадда томонлар яқин вақтларда ташқи ишлар вазирлари бошчилигидаги ишчи гуруҳлар учрашуви ҳамда Ҳукуматларро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказишға келишиб олдилар.

Дўстона ва самимий тарзда кечган сўхбат давомида халқаро ва минтақавий аҳамиятға молик долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ў.А.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номиға хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларидан табрик мактублари келмоқда. Уларда мамлакатимиз халқиға тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаб, эзгу истақлар изҳор этилган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Ёлбоши **Нурсултон Назарбоев**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**

Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**

Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоғон**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Олий Бош қўмондони ўринбосари, Абу Дабӣ Амирлиги валиаҳди **шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Муносабат

Шайх Алоуддин МАНСУР:

АДАШГАНЛАРНИ АФВ ЭТМОҚ — ПОКИЗА ИМОНДАНДИР

Инсонлар ўртасида силаи меҳр, кечиримlilik юксак фазилат ҳисобланади. У ёмонликдан қайтариб, яхшилик, эзгуликка даъват этади. Инсон моҳияти яратилишданок эзгулик нури билан йўғрилгани олим уламолар томонидан битилган китобларда ҳам тасдиқлаб келинади.



Аммо таълим-тарбиянинг етишмаслиги, жоҳиллик туфайли инсон ҳар хил ўзи ис-тамаган кўчаларға кириб қолиб, ҳаёт шу экан, деган тушунчада адашиб юриши ҳар қандай жамиятда қўллаб учрайдиган ҳодиса. Шундай кезларда унга нисбатан муносабат қандай бўлиши керак? “Улганинг устиға теп-ган” қабилида уларни четта чиқариб ташлаш керакми ёки афв жоизми? “Агар сизлар (уларни) афв этсангизлар, қойимасангизлар ва кечирсангизлар, у ҳолда, албатта, Аллоҳ (ҳам) мағфи-

ратли ва раҳмлидир” (Тағо-бун, 14). “Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас, сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан дафъ қилинг! (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адо-ват бўлган кимса қайноқ — содиқ дўст каби бўлиб қолур” (Фуссилат, 34).

Қуръони каримдаги бундай ояти қарималар инсониятни бу ҳаётда эзгу мақсадларни кўзла-ган ҳолда тинч-тотувлик-да яшашға даъват этади.



Парламент ҳаёти

АМАЛДАГИ ҚОНУН

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАМАДИ. ЯНГИСИ ҚАНДАЙ НАФ БЕРАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан дебат ўтказилди. Мазкур қонун лойиҳаси 2019 йил 2 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилиниб, 4 май куни парламентнинг расмий веб-сайти (parliament.gov.uz) га жойлаштирилган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу қонун лойиҳаси юзасидан қандай таклиф ва тавсиялар келиб тушди? Ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат? Умуман, у қабул қилинса, халқимиз қандай наф кўради?

Одинахон ЖАМОЛДИНОВА, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Ушбу қонун лойиҳаси амалдаги “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонун (2006 йил) ўрнига қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Амалдаги Қонун бугунги кунгача соҳа олдидagi муаммоларни ечиш ўрнига, аҳолининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлиб келмоқда. Чунки унда чалқашлик мавжуд. Масалан, уй-жой мулкдорлари ширкати нотижорат ташкилот бўлиб, кўп квартирали битта ёки бир неча уйдаги хусусий тураржойлар мулкдорларининг бириглашмаси экани қайд этилган. Қонуннинг 19-моддасида эса, ширкат аъзо-



лари умумий йиғилишининг ваколатларидан бири сифатида “ширдаги Қонун бугунги кунгача соҳа олдидagi муаммоларни ечиш ўрнига, аҳолининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлиб келмоқда. Чунки унда чалқашлик мавжуд. Масалан, уй-жой мулкдорлари ширкати нотижорат ташкилот бўлиб, кўп квартирали битта ёки бир неча уйдаги хусусий тураржойлар мулкдорларининг бириглашмаси экани қайд этилган. Қонуннинг 19-моддасида эса, ширкат аъзо-

ларининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлиб келмоқда. Чунки унда чалқашлик мавжуд. Масалан, уй-жой мулкдорлари ширкати нотижорат ташкилот бўлиб, кўп квартирали битта ёки бир неча уйдаги хусусий тураржойлар мулкдорларининг бириглашмаси экани қайд этилган. Қонуннинг 19-моддасида эса, ширкат аъзо-

ларининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлиб келмоқда. Чунки унда чалқашлик мавжуд. Масалан, уй-жой мулкдорлари ширкати нотижорат ташкилот бўлиб, кўп квартирали битта ёки бир неча уйдаги хусусий тураржойлар мулкдорларининг бириглашмаси экани қайд этилган. Қонуннинг 19-моддасида эса, ширкат аъзо-

ларининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлиб келмоқда. Чунки унда чалқашлик мавжуд. Масалан, уй-жой мулкдорлари ширкати нотижорат ташкилот бўлиб, кўп квартирали битта ёки бир неча уйдаги хусусий тураржойлар мулкдорларининг бириглашмаси экани қайд этилган. Қонуннинг 19-моддасида эса, ширкат аъзо-

ларининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлиб келмоқда. Чунки унда чалқашлик мавжуд. Масалан, уй-жой мулкдорлари ширкати нотижорат ташкилот бўлиб, кўп квартирали битта ёки бир неча уйдаги хусусий тураржойлар мулкдорларининг бириглашмаси экани қайд этилган. Қонуннинг 19-моддасида эса, ширкат аъзо-

ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ: ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Тошкентда 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати билан Беларусь Республикаси Хавфсизлик кенгаши давлат қотибияти ўртасида икки томонлама маслаҳатлашув бўлиб ўтди. Тадбирда икки мамлакат хавфсизлик, муҳофаза саноати маъмурияти, таҳлилчи муассасалар вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг саяб-ҳаракатлари сараф ўзаро ишонч, давлатлараро муносабатларни ҳаёт доирасида ривожлантиришда мустаҳкам пойдевор яратганига таъкидланди. Бунинг натижасида Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари барча соҳада жадал тараққий этиб бораётгани қайд этилди. Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари янги босқичга кўтарилгани хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги

АЙРИМ РАҲБАРЛАРНИНГ ЎЗ ИШИГА СОВУҚҚОНЛИК БИЛАН ҚАРАШИ, ЭСКИЧА ЁНДАШУВИ МУАММОЛАРГА САБАБ БЎЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Халқроқ муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги раҳбарининг ҳисоботи эшитилди. Сенаторлар томонидан вазирлик фаолиятига оид бир неча рақамлар таҳлил қилинди. Тадбирлар режасида белгиланган бўлса-да, шу пайтга қадар ихроси таъминланмаган вазифаларнинг самарали ечимлари юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

2019 йилда республика экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда экспортни кўллаб-қувватлаш бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига бир қатор вазифалар юклатилган. Жумладан, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда экспорт қилувчиларни кўллаб-қувватлашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида вазирлик масъуллари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Стратегик импортёр давлатларининг чегаравий ҳудудлари ва порт шаҳарларида, жумладан, Оренбург, Бандар-Аббос (Эрон), Достик (Қозғистон), Рига (Латвия) ҳамда Афғонистон, Покистон давлатлари учун Термиз савдо-тақсимлаш марказларини ташкил этиш орқали ташқи савдо инфратузилмасини янада ривожлантириш юзасидан чоралар кўриломоқда. Бундан ташқари, экспорт ҳажмини оширишга хизмат қиладиган чегараларда савдо марказларини ташкил этиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Ўзбекистондан Афғонистонга экспорт ҳажмини янада ошириш мақсадида “Термиз Карго Центр” логистика марказида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўрғазмаларини тақдимоти шаклидаги чегараларда савдо маркази ташкил этилди. Қўшни мамлакатга экспортни юксалтириш учун боғжона, транспорт, логистика, виза, тариф ва нотариф тўсиқларини бартараф этиш чора-тадбирлари йўлга қўйилган.

2020 ЙИЛГА БЕЛГИЛАНГАН ЛОЙИҲАЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида Темир йўл ҳамкорлик ташкилоти вазирлар кенгашининг 47-сессияси ўз иштини бошлади. Унда мазкур ташкилотга аъзо — Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Словакия, Руминия, Россия, Эстония, Чехия, Украина, Польша, Литва, Латвия, Озарбайжон, Афғонистон, Беларусь, Хитой, Жанубий Корея каби 27 давлатнинг транспорт вазирлари ҳамда темир йўл раҳбарлари қаторида Халқроқ темир йўл ташқи ҳукуматлараро ташкилоти, Халқроқ транспорт федерацияси, Халқроқ темир йўл транспорти қўмитаси, БМТнинг Европа иқтисодий комиссиясининг ички транспорт қўмитаси каби бир қатор нуфузли халқроқ ташкилотлар вакиллари қатнашмоқда.

Маълумот учун айтиб ўтиш жоизки, Темир йўл ҳамкорлик ташкилотига 1956 йилда асос солинган бўлиб, унга дунёнинг 29 давлати аъзо. Ташкилотнинг дастлабки сессияси 1956 йилда Болгария пойтахти София шаҳрида ташкил этилган бўлса, ўтган йили унга Қирғизистон мезбонлик қилган эди. Юртимизда уч кун давом этадиган галдаги сессияда ташкилотнинг 2018 йилги фаолияти, ташкилот комиссиясининг транспорт сисёати ва ривожланиш стратегияси бўйича олиб борган ишлари хусусида маълумотлар тақдим этилади. Шунингдек, давлатлараро ташуварларнинг ҳозирги ҳолати, ҳамкорликда йирик лойиҳаларни амалга ошириш, соҳага инновацияларни технологияларни жалб қилиш, янги транзит йўлақларини жорий этиш, тариф сисёати йўналишларида музокаралар олиб борилади. 2020 йилга белгиланган лойиҳалар режаси ишлаб чиқилади.

Қайд этиш жоиз, мамлакатимиз темир йўли Осиёни Европа билан боғлашда муҳим стратегик йўлак ҳисобланади. Ўзбекистон темир йўллари-нинг маъмурияти ташқи иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўйган. Хитой, Япония, МДҲ ва Европа давлатлари билан ҳамкорлик мунтазамлик касб этган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон темир йўллари-нинг умумий узунлиги қарий 7000 километрдан зиёдни ташкил этади. 2700 километрдан ортиқ темир йўллари-нинг тўлиқ электрлаштирилган. Бундан ташқари, сўнгги йилларда 21 янги вокзал фойдаланишга топширилгани, 11 таси эса жаҳон стандартларига мос равишда тўбдан таъмирлангани диққатга сазовор. Мамлакат ягона темир йўл тизимини барпо этиш, йўловчи ва юк ташиш ҳажмини оширишга қаратилган

портларида ташилган. Юк авиацияси транспортларида чартер рейслар билан юк ташиш маҳсулот таннархини ошириб, ташқи бозорда рақобатдош бўла олмастлигига сабаб бўлмоқда. Экспорт қилувчи корхоналарда чартер рейслар билан кўпроқ микдорда маҳсулотни экспорт қилишга ҳам талаб мавжуд. Лекин транспорт харажати-нинг юқорилиги йирик экспорт буюртмаларини бажаришга салбий таъсир қилмоқда.

Олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳамда мавжуд инвестиция салоҳиятига қарамасдан, айрим тармоқлар ва ҳудудларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми жуда пастлигига қолмоқда. Бу айрим раҳбарларнинг ўз ишига ҳали ҳам сақланиб қолгани, “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман”, қабилида иш тутишдан далолат беради.

Шунингдек, ахборотда қайд этилишича, экспортдош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш Инвестиция дастурининг асосий жиҳатларидан биридир. Замонавий технологияларни жалб қилиш орқали 2019 йилда Инвестиция дастури доирасида 41 янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланади. Бу эса, ўз навбатида, импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмини 385,3 млн. долларга қисқартириб, экспортни эса 213,5 млн. долларга оширади.

Бироқ олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳамда мавжуд инвестиция салоҳиятига қарамасдан, айрим тармоқлар ва ҳудудларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми жуда пастлигига қолмоқда. Бу айрим раҳбарларнинг ўз ишига со-вўққонлик билан қараши, эскича

йўллари” АЖ тизимида пастлигига қолмоқда. Умумий ўзлаштириш ҳажмига нисбатан бир фоизни ҳам ташкил этмайди.

Инвестиция дастурининг яна бир энг катта манбаи бу Президентимиз-нинг олий даражадаги таширлари натижалари бўйича қабул қилинган умумий қиймати 111,5 млрд. доллар бўлган 731 инвестициявий лойиҳа ҳисобланади.

Мазкур лойиҳаларни Инвестиция дастури бўйича қамраб олиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд эмас. Агар маълум бир вақтдан кейин хорижий инвестор ёки хорижий шерик ушбу лойиҳани баъзи сабабларга кўра амалга оширишдан бош тортса, ушбу лойиҳа инвестиция тақли-фи сифатида Инвестиция дастури-дан чиқариб ташланмайди, балки бошқа бир инвесторга тақлиф этиш қилинади. Чунки муаммо лойиҳа-нинг самарасизлигида эмас, балки унинг ихроси учун қабул инвес-тор топилмаганида. Шундан экан, у истикболли лойиҳалар тақлифи рўйхатидан акс эттирилади.

Шунинг учун ҳам, мутасаддилар томонидан истикболли инвестиция лойиҳалари рўйхатини ҳам Истикбол-ли инвестиция тақлифлари деб ном-лаш тавсия қилинди. Бу эса хори-жий инвесторларга тайёр инвести-ция тақлифларини тақдим этиш имконини беради.

Йиғилишда вазир ҳисоботи сена-торлар томонидан батафсил ўрга-нилди. Соҳанинг келгусидаги тарақ-қиётига оид амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Алишер ҚУРМАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқроқ муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.

Демократия кўзгуси

Одамларда маҳалла тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалган

Ўтган ойда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеалардан ҳисобланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови юқори савияда ўтказилди. Бу гал аввалгиларидан фарқи ҳолда одамларнинг мазкур тадбирга қизиқиши ошгани, таъбир жоиз бўлса, ўз маҳалласи тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалгани яққол сезилди. Буни вакиллар рўйхатига қирмаган фуқаролар томонидан сайловда иштирок этиш истаги баён қилинган кўплаб мурожаатлар келиб тушгани ҳам тасдиқлайди.

Бунга ўртача 3 минг нафар сайловчиси бўлган маҳалла мисолида жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Маҳаллаларда бу галги фуқаролар вакиллари жами сайловчиларнинг 12 фоизидан кам бўлмади. Демак, 3 МИНГ САЙЛОВЧИ бор маҳалладан 360 НАФАРДАН КўП вакил бевосита қатнашди. Илгари сайловларда улар сони бор-йўғи 40 — 50 НАФАРНИ ТАШКИЛ ЭТГАН.

Сенатор, Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) сайлови тарғибот гуруҳи аъзоси Гулчехра Рихсиева бу хусусда шундай маълумот берди:

— Рўйхатга қирмаган фуқаролар мурожа-атлари қонунчилик талаблари асосида қўриб чиқилди. Яъни уларга рўйхат шакллантирил-ганлигини ҳамда ундан ташқари фуқаролар номзодлар дастури билан танишиш, муҳока-мада қатнашиш ҳуқуқига эгаллиги ҳамда овоз бериш жараёнида бевосита қатнаша олма-стлиги тушунтирилди. Маҳалла халқимиз ҳаётида тобора муҳим ўрни эгалламоқда. Янги сайлов унинг аҳоли ўртасидаги маъкеи янада ортишига хизмат қилди, десак, айтиш ҳақиқат.

Кузатувларга кўра, — юрдошларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалган; — Ватанимиз тараққиётига бефарқ эмас.

Шунингдек, — фаолликлари ошган; — фуқаролик позицияси мустаҳкамланган.

Янги тузилма шарофати

Маҳалла сайлови юқори савияда ўткази-лишда, албатта, Олий Мажлис Сена-ти Кенгаши қарорига асосан тасдиқланган Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи рес-публика комиссиясининг ўрни катта бўлди. Ушбу тузилма томонидан, аввало, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари фаолияти му-вофиқлаштириб борилди. Ўз навбатида, уларни зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва усулбий тавсиялар билан таъминлади. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини уюштириш, сайловни ташкил этиш ва ўтка-зиш жараёнини оммавий ахборот воситала-рида ёритиш масаласи ҳам доимий эъти-борда бўлди.

Шу кунга қадар — ОАВда жами 15 МИНГ 200 ГА ЯҚИН МАТЕРИАЛЛАР эълон қилинди; — шундан 13 МИНГ 400 ГА ЯҚИНИ ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади.

Сайловлар муросасиз ва соғлом рақобат муҳитида ўтди

Янги тартибга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси 3 йил муддатга сайланди. Эътиборлиси, сайлов жараёнлари муроса-сиз ва соғлом рақобат муҳитида ўтказил-ди. Аниқ айтидиган бўлсак, сайловчилар муқобиллик асосида камиди 2 нафар номзоднинг маҳалла фаровонлигига

йўналтирилган режаларини қамраб олган дастурлари билан атрофлича танишиб боришди. Ўзлари маъкул деб билган, ишонган ном-зодларни ёпиқ овоз бериш йўли билан кўллаб-қувватлаши бу галги сайловнинг демократик янгиликларидан бўлди.

Қандай фазилатли номзодлар ғалаба қозонди? — маҳалла муаммоларини яхши биладиган; — фуқаролар бошини қовуштира оладиган; — ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятларига эга; — одамлар ҳурмати ва ишончига сазовор бўлган; — шунингдек, замонавий менежмент талабларини бажара оладиган номзодларга кўпроқ ишонч билдирилди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови билан боғлиқ якуний натижалар тез кунларда маълум қилинади. **Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»)** тайёрлади.

Ғ. ХОННАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



“Навоий — Учқудуқ — Султонувайстог — Нукус”, “Тошгузар — Бойсун — Қумқурғон”, “Ангрен — Поп”, “Бўхоро — Мискин” каби кўпжаб йирик лойиҳа-лар ҳаётга таъбиқ этилди. Булар эса халқроқ алоқаларни ривожлан-тиришда айна муддаодир.

— Бугунги сессияда иштирок эта-ётганимиздан мамнунимиз, — дейди Жанубий Корея темир йўл корпораци-яси бош директори Вон Хе Ил. — Ан-жуманда темир йўл тизимини янада ривожлантириш истиқболлари, халқ-роқ ташуварлар ҳажмини кўпайтириш, янги транзит йўлақларини белгилаб олиш, қўшма йирик лойиҳаларни рўёб-га чиқариш юзасидан музокаралар ўтказилаётгани биз учун жуда муҳим.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дўстона алоқалар темир йўл тизими учун янги саҳифа очмоқ-да. Шу боис “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда кўпжаб лойиҳаларни амалга ошири-ш режалаштирганмиз.

Анжуман доирасида Темир йўл ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат-ларнинг транспорт вазирлари ҳамда темир йўл раҳбарларининг расмий учрашувлари ҳам бўлиб ўтади.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ («Халқ сўзи»).

Барча юртдошларимизни
қалбда меҳр-мурувват туйғусини уйғотувчи,
бир-биримизга яхшилик қилишга ундовчи палла —

Рамазон ҳайити

билан қутлаймиз!

Мамлакатимиз тинч, халқимиз омон, ҳаётимиз фаровон,
келажагимиз чароғон бўлсин!



«Турон-Хўжайли»
акциядорлик жамияти жамоаси.



Азиз ҳамюртлар,
инсонни меҳр ва мурувват,
сабр ҳамда қаноатга ундовчи қўлчанг кун —

Рамазон ҳайити

муборақ бўлсин!

Ушбу байрам халқимизнинг энг таббаррўқ
айёмларидан бири сифатида қадрланади.

«BAG'DOD KARVON» ҚУРИЛИШ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ.

(“Халқ сўзи”нинг навбатдаги сони 8 июнь, шанба кун чикади).

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ

5 та тўпдамда СК8-3-4000 русумли
тебранма-дастгоҳларни
етказиб бериш бўйича
шартнома тузиш ҳуқуқини олиш учун
таклифлар сўрови ўтказилишини
маълум қилади

Таклифлар сўрови № АР-4/19.

Буюртмачи/Ташилотчи —

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ.

Харид ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш
тартиби — электрон почта орқали e-mail:

KBelov@nestro.ru

Таклифларни бериш тартиби — муҳрланган
конвертларда Ўзбекистон, Андижон ш., Алишер
Навоий шоҳқўчаси, 97-«А» манзили бўйича
«Андижоннефть» АЖ қўшимча маъмурий
биносининг 3-қавати, 6-хона.

Таклифларни қабул қилиш бошланадиган сана
— ушбу хабар чоп этилган кундан бошлаб.

Таклифларни қабул қилиш тўхтатиладиган
сана ва вақт (GMT +5) — 12.06.2019 й., соат 12:00.

Мурожаат қилиш учун: Белов Константин
Сергеевич, тел.: +7 495 748-64-24, қўш. 3222.

E-mail: KBelov@nestro.ru

Ҳожимуродов Баҳром Обидович,
тел.: +998 91-611-44-33.

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ

5 та тўпдамда СКД-3-1,5 русумли
тебранма-дастгоҳларни
етказиб бериш бўйича
шартнома тузиш ҳуқуқини олиш учун
таклифлар сўрови ўтказилишини
маълум қилади

Таклифлар сўрови № АР-5/19.

Буюртмачи/Ташилотчи —

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ.

Харид ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш
тартиби — электрон почта орқали e-mail:

KBelov@nestro.ru

Таклифларни бериш тартиби — муҳрланган
конвертларда Ўзбекистон, Андижон ш., Алишер
Навоий шоҳқўчаси, 97-«А» манзили бўйича
«Андижоннефть» АЖ қўшимча маъмурий
биносининг 3-қавати, 6-хона.

Таклифларни қабул қилиш бошланадиган сана
— ушбу хабар чоп этилган кундан бошлаб.

Таклифларни қабул қилиш тўхтатиладиган
сана ва вақт (GMT +5) — 12.06.2019 й., соат 12:00.

Мурожаат қилиш учун: Белов Константин
Сергеевич, тел.: +7 495 748-64-24, қўш. 3222.

E-mail: KBelov@nestro.ru

Ҳожимуродов Баҳром Обидович,
тел.: +998 91-611-44-33.



«C and H Industry» МЧЖ ХК Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини
юрғизиш келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача)

Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача)

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси

VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар,

фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар

Занжирли экскаваторлар



SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар

Экскаватор-юклагичлар

Автогрейдерлар

Катоклар



Барча таклиф этилаётган техникалар учун кафолат мuddати тақдим этилади.
Техник хизматлар курсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлари омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани,
«Ўзгариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй.
(Мўлжал: «Турон» автосалони).

Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Ўқоқлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
“Шарқ” наشرіёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — О. Файзиев.

Набатчи — Ш. Рафқоров.

Мусаҳҳих — А. Султонов.

“Шарқ” наشرіёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6